

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON ARMIIYASI

IJTIMOY-SIYOSIY, AXBOROT-TAHLILIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIIY-VATANPARVARLIK JURNALI

2018, SENTABR, №3 (15)

Жума –
МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА
ВАТАНПАРВАРЛИК КУНИ



КУЧ-ҚУДРАТ,
МУСТАҲКАМ ҲИМОЯ

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР
МАРДЛИГИ

ВЕСОМЫЙ ВКЛАД
АРМЕЙЦЕВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги

**Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий,
маънавий-маърифий,
харбий-ваганпарварлик журнали**

Таҳририят кенгаши:

полковник Азизбек Икромов
Муҳаммад Али
Иқболжон Мирзаалиев
полковник Хомиджон Дадабоев
полковник Максуд Абилов
подполковник Собиржон Абдурайимов

Бош муҳаррир:

полковник Алижон Сафаров
подполковник Фурқат Эргашев
(бош муҳаррир ўринбосари)
подполковник Тўлқин Жуманазаров
(масъул котиб)

капитан Гулнора Ҳожимуродова
(шу сонга масъул)

Отабек Насимов
(дизайнер)

Сайёра Мелиқўзиева
(мусаххих)

Журнал 2014 йил 20 ноябрда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 0840-сонли
гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2015 йил март ойдан чиқа бошлаган.
«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп
этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси,
100-уй.

Адади: 15880 нусха. Буюртма №
Баҳоси келишилган нархда.

Босмахонага 2018 йил 25 сентябрда топширилди.
Босишга 2018 йил 25 сентябрда рухсат берилди.

Журналдаги мақолалардан тўлиқ ёки қисман
фойдаланилганда «O‘ZBEKISTON ARMIYASI»
журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан
фарқ қилиши мумкин.

ISSN 2181 – 8169
Обуна индекси: 1273

Таҳририят манзили: Тошкент вилояти,
Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй.

Телефон: 260-36-50; факс: 260-32-29
E-mail: vatan@evo.uz

И. ҚУРБОНОВ

Маънавий юсак ва буюқ аждодларга
муносиб **3**

Ш. ТОЛМАСОВ

Дунё рейтингда юксалаётган армиямиз **7**

Лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ

Қардош халқлар мардлиги **10**

Подполковник Алишер БОБОХОНОВ

«Чорухдайрон» полигонидаги машғулотлар **12**

Иброҳим НОРМАТОВ

«Афғонистон ичидаги сиёсий жараёнларни
бошлашни энди орқага суриб бўлмайди» **17**

Алибек ОМОНТУРДИЕВ

ARMY - 2018 **20**

Майор Аҳрор ОЧИЛОВ

Куч-қудрат, мустақкам ҳимоя **24**

Миллий гвардия матбуот хизмати

Юрт тинчлиги ва халқ осойишталиги
ҳимоясида! **26**

Инобат ЗАКАРИЁЕВА

«Сизни соғиниб яшайман...» **28**

Бобур ЭЛМУРОДОВ

Китоб. Бошқа нажот йўли йўқ... **31**

Подполковник А. ЭРГАШЕВ, подполковник З. ҚОСИМОВ

Миллий мафқуранинг ёш авлод
шаклланишидаги аҳамияти **38**

Инобат ИБРОҲИМОВА

Муборак истиқлолга бахшида - «Ҳаёт» **41**

Фурқат ЭРГАШЕВ

Ўтда ёнмас, сувга ботмас **44**

Аблай КАМОЛОВ

Весомый вклад армейцев **46**

Ҳожи МУИН

Юрт қайғуси **50**

Жўра ФОЗИЛ

Лабиховуздаги лайлақлар
ёки сўнгги мактуб **54**

МАЪНАВИЙ ЮКСАК ВА БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ

Тизим такомиллашади

2018 йилнинг 4 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Қарордан мақсад

Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш;

ҳарбий хизматчилар билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

мафкуравий иммунитетни шаклландириш, бурчига садоқатли, юқори профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш.

Концептуал ғоя

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида маънавий-маърифий ишлар «**Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!**» деган концептуал ғоя асосида ташкил этилади. Бу ғоя ҳарбий хизматчиларни Ватанига, халқига, бурчига садоқатли, фидойи ва мард бўлишга даъват этиб туради.

Ҳар жуманда

Ҳафтанинг ҳар жумаси «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» этиб белгиланди. Унда:

буюк аждодларимиз мисолида ёшлар ва ҳарбий хизматчиларда жасурлик ва мардлик, фахр ва ифтихор туйғулари оширилди;

ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг маънавий-маърифий билимлари мустаҳкамланади;

ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарияти, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳарбий хизматчилар оилалари турмушининг ижтимоий-

иқтисодий шароитлари ўрганилади ва муаммоларга ечим топилади;

ҳарбий қисмларга ташрифлар ташкил этилади;

Ўзбекистонни ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш, бурчга ва Ватанга хиёнат энг оғир жиноят экани ёшлар онгига сингдирилади.

Кўкрак нишони

Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардиянинг Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларга ҳамда фуқароларга «Маънавий-маърифий ишлар аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилади.

Тузилмавий янгиликлар

Президент қарори билан Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси, қўшинларда эса тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари ташкил этилади.

Шунингдек, бригадаларда (уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларда) ва алоҳида батальонларда «ҳарбий психолог» (офицер) лавозими, ҳарбий округлар бошқарув аппаратларида «психолог», «етакчи социолог», бригадаларда (уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларда) ва алоҳида батальонларда «ҳарбий қисм командирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчиси – Маданият маркази бошлиғи» (Қуролли Кучлар хизматчиси) лавозимлари жорий этилиши белгиланган.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, Қуролли Кучлар академияси умумқўшин факультети базасида қўшимча «Қўмондонлик-тактик тарбиявий ва мафкуравий ишлар» мутахассислиги бўйича

**Ҳарбийларимиз
жисмонан
бақувват,
маънан юксак, Амир
Темур, Жалолиддин
Мангуберди
каби буюк
саркардаларимизга
муносиб бўлиши
керак.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

офицерлар тайёрлаш таълим тизими жорий қилинади.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги мавжуд офицерлар уйлари Маънавият ва маърифат марказига, клублар маданият марказларига айлантирилиши, вазирликнинг Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида «Турон» театр-студиясини ташкил этиш белгиланган.

Самарадорликни оширишга қаратилган

Қарор иловасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси» тасдиқланди.

Концепциянинг асосий вазифалари:

ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш;

ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун ва моҳиятини етказиш ҳамда уларда фаол ҳаётий позицияни, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни шакллантириш;

миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аجدодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш;

диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларда эзгулик, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш;

ҳарбий хизматчиларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат имкониятларидан кенг фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш.

Концепция босқичлари

Концепция уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич (шакллантириш) – Темурбеклар мактаблари ва академик лицейларнинг махсус гуруҳларида таълим олаётган ўқувчи ёшлар билан.

Унда:

буюк тарихимиз, улуғ аллома ва мутафаккирларимиз, миллий урф-одат, ва қадриятларнинг моҳияти, аждодлар бой мероси чуқур тушунтирилади;

Ватан тақдирига юксак дахлдорлик, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик туйғулари шакллантирилади;

Ватан ҳимояси муқаддас ва ҳарбийлик шарафли касб эканлиги, юрти истиқболи учун керакли мутахассисликни танлаш зарурлиги тушунтирилади;

асарлар, кино ва театр спектакллардаги қаҳрамонлар орқали ҳарбий касбга ғурур ва ифтихор туйғулари кучайтирилади;

ҳарбий тартиб-интизом, одоб-ахлоқ ва масъулият тушунчалари сингдирилади;

ёшларда фаол ҳаётий позиция, миллий ўзлик ва муқаддас динимиздаги юксак ахлоқий мезонлар орқали ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитет мустаҳкамланади;

«Темурбекнинг издошлари», «Ўзбекистон фарзандлари ботир бўлур» каби танлов ва спорт мусобақаларида фаол иштирокига эътибор қаратилади.

Иккинчи босқич (ривожлантириш) – олий ҳарбий таълим муассасалари ва олий таълим муассасаларининг ҳарбий кафедраларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида таълим олаётган курсантлар билан ташкил этилади.

Ушбу босқичда:

буюк саркардаларимизнинг ҳарбий санъати, мутафаккирларимизнинг илмий мероси чуқур ўрганилади;

Ватан озодлиги йўлида курашган улуғ аجدодларга, мустақиллигимизни ҳимоя қилишда жон фидо этган қаҳрамонларимизга муносиб бўлиш туйғулари шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва Президентига садоқат, юксак ватанпарварлик ва фидойилик фазилатлари ривожлантирилади;

халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатлари чуқур сингдирилади ҳамда миллий ғурур ва ифтихор туйғулари кучайтирилади;

ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга, Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишга интилишлари қўллаб-қувватланади.



**ҲАФТАНИНГ ҲАР ЖУМАСИ –
«МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА
ВАТАНПАРВАРЛИК КУНИ»**

Учинчи босқич (такомиллаштириш/қўллаш) – қўшинларда муддатли ва шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркиби билан ташкил этилади.

Ушбу босқичда:

она юртга ва ўз касбига меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари мустаҳкамланади, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга асосланган дунёқараш юксалтирилади;

Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилишга тайёр, ёшларга намуна бўлиш сифатлари оширилади;

ҳарбий ихтисосликларни пухта эгаллаш, Ватан мудофаасига шай туриш, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, давлат ва ҳарбий мулкни асраб-авайлаш кўникмалари шакллантирилади;

жанговар тайёргарлик ва ҳарбий маҳоратни мунтазам ошириб бориш, ўзаро дўстона муносабатларни қадрлаш фазилатлари мустаҳкамланади;

юксак ирода ва матонат билан ўзини қаҳрамонликка ундовчи, ватанпарвар ва фидойи юрт ҳимоячисини тарбиялашга эътибор берилади;

огоҳлик ва ҳушёрлик, фаол ҳаётий позиция ҳамда мустаҳкам тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатлари юксалтирилади;

фуқаролик ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитет мустаҳкамланади;

нотиқлик санъатини юксалтириш, жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришда бадий асарларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг тарғиб этилади;

етук ва баркамол шахс сифатида бошқаларни эргаштира олишига эътибор

қаратилади.

Маънавий-маърифий ишлар тизимининг асоси:

маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари;

маънавият соатлари (Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг йўналишлар бўйича тадбирлари, китоб мутолааси ва бошқалар);

ахлоқий-руҳий тайёргарлик машғулотлари;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси суҳбатлари;

маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни тадбирлари (мардлик дарслари, акциялар, давра суҳбатлари, экскурсия, ташрифлар, мусобақалар ва бошқалар);

бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиши;

оммавий маданий тадбирлар (театр спектакли, саҳна кўринишлари, концерт дастурлари, бадий ва ижодий кечалар, учрашувлар, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари).

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур тарихий қарори профессионал, бурчига содиқ, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ДУНЁ РЕЙТИНГИДА ЮКСАЛАЁТГАН АРМИЯ



Марказий Осиёда биринчи

Дунёнинг кучли армиялари бўйича Global Firepower компанияси тақдим этган 2018 йилги рейтинг. Ўзбекистон 39-ўринга қўтарилган. 2017 йилга нисбатан 9 поғона юқорилаганмиз (48 ўрин).

МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистондан олдинда Россия (2), Украина (29). Марказий Осиёда эса мамлакатимиз биринчи ўринда. Бу шунчаки нисбий кўрсаткич, дейдиганларга жавобим бор. Бунга Ўзбекистонда 2017 йилдан бошланган ҳарбий қурилиш соҳасидаги кенг қўламли ўзгаришлар мисолида тушунтирсам.

Доктрина

Биринчи мисол.

2018 йил январь. Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Олдинги доктриналардан фарқи:

- жаҳонда ва минтақадаги вазиятга;
- юзага келаётган хатар ва таҳдидларга;
- мамлакат имкониятларига мослиги;
- очиқлиги.

Мудофаа доктринаси миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишларни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона, мувофиқлаштирилган ва изчил стратегия шаклланишига хизмат қиляпти.

Ҳарбий-маъмурий секторлар

Иккинчи мисол. Ҳарбий-маъмурий секторлар. Президентнинг 2017 йил 12 декабрдаги фармони билан мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлашда фуқаролик жамияти ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш ва фаоллаштириш борасида ўзига хос ноёб тизим яратилди.

Фаолият йўналиши ва вазифалари:

– ҳудудларда жойлашган қўшилма, ҳарбий қисм ва муассасалар ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайди;

– чақирилувчиларни ва ҳарбий хизматчиларни ахлоқий-руҳий, маънавий-маърифий, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди;

– ҳарбий шаҳарча ва полигонлар инфратузилмасини такомиллаштириш, аутсорсинг тизимини татбиқ этиш, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, Қўролли Кучлар пенсионерлари ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатади;

– турли маданий-ҳордиқ ва оммавий-спорт тадбирларини ўтказиши;

– Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ҳудудларда армия эҳтиёжлари учун ҳарбий ва икки хил мақсадда қўлланилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ташкил этади;

– Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчи-

Жаҳон армиялари рейтинги



1. АҚШ



2. РОССИЯ



3. ХИТОЙ



4. ҲИНДИСТОН



5. ФРАНЦИЯ

Марказий Осиё давлатлари

39.

ЎЗБЕКИСТОН



50.

ҚОЗОҒИСТОН



80.

ТУРКМАНИСТОН



91.

ҚИРҒИЗИСТОН



96.

ТОЖИКИСТОН



лик кенгашининг минтақавий бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этади;

– қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштириш ишларини кучайтиради.

Сектор раҳбари сифатида ҳокимда ҳарбий қурилиш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги ўзгаришлардан вилоят аҳлини хабардор қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан бу борада ўзаро ҳамкорлик бўйича ишларни фаол ташкил этишга имконият пайдо бўлди. Мудофаа соҳасидаги ишларда роли ортди.

Бухоро вилояти ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Ўктам Барноев шундай дейди:

– Когон туманида жойлашган ҳарбий шаҳарча ҳарбий хизматчилари учун тегишли қулайликларни яратиш мақсадида ташқи девор, спорт зали, йўлаклар, ўқув бинолари, овқатланиш ва яшаш жойлари таъмирланди, ҳарбий қисм атрофи ободонлаштирилди.

Бухоро тумани Зармоноқ қишлоғида жойлашган Маиший хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежи негизида янги ҳарбий шаҳарча барпо этиш мақсадида реконструкция ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

Сирдарёдаги ҳарбий қисмлардан бирида ҳарбий-маъмурий сектор кўмагида ҳарбий қисмда ўқув биноси барпо этилиб, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган. Ҳарбий шаҳарча инфратузилмаси янада яхшиланган. Ошхона замонавий жиҳозлар билан бутланган. Ҳарбий хизматчилар ётоқхоналарига янги мебеллар келтирилган. Бундай мисолларни яна қўплаб келтириш мумкин.

Ҳарбий-маъмурий секторлар мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятдаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий армиянинг жанговар қобилияти ва шайлигини ошириш, армия ва халқнинг яқдиллигига эришишга хизмат қилмоқда.

Янги кўмита

Учинчи мисол. Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитасининг ташкил қилиниши. Бу миллий мудофаа-саноат комплексини шакллантириш йўлидаги биринчи ва муҳим қадам бўлди. Кўмита Ўзбекистон Республикаси мудофаа саноати комплексини ривожлантиришнинг 2019 – 2028 йилларга мўлжалланган Концепциясини ишлаб чиққан. Унда:

Қуrolли Кучларни барча турдаги ҳарбий техника, қуrol-аслаҳа, моддий воситалар билан таъминлаш мақсадида йирик илмий-ишлаб чиқариш тизимларини яратиш ва ривожлантириш;

қуrol-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника, техник воситалар, ўқ-дори, ҳарбий ва икки хил мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкил этиш;

стратегик ва муҳим аҳамиятга эга қуrol-яроғ, ҳарбий ва махсус техникаларни ишлаб чиқариш бўйича

технологик мустақилликка босқичма-босқич эришиш;

хорижий мамлакатлардан қуrol-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника харид қилишни имкон даражада камайтириш, бутловчи жиҳозларни мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқишни маҳаллийлаштириш каби мақсад ва вазифалар белгиланган.

Ижтимоий ҳимоя

Тўртинчи мисол. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш борасида бошланган улкан ишлар. Узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли уй-жойлар бунёд этиляпти.

2018 йилнинг 14 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча имконият яратилди. Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги тобора ошиб бормоқда.

Юксак маънавият

Бешинчи мисол. Ватанпарварлик тарбияси. Ёшларни, ёш ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ислохотлар жараёнига жалб этиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш янгича мазмун билан бойимоқда. Бу борада қуйидаги муҳим ҳужжатларни келтириш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. Қарорга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси» тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги қарори. Мазкур ҳужжат билан илк бор «Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси» тасдиқланди.

Мудофаа вазирлигининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми.

Келтирилган мисоллар кўрсатиб турибди. Қисқа муддатда аниқ натижаларга эришилди. Ҳарбий қурилиш борасида кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Янгиланаётган Қуrolли Кучлар бўйича бундай стратегик ёндашув ўз сўзини айтмоқда. Рейтингдаги эътироф ўз-ўзидан эмаслигини энди англагандирсиз?!

Ш. ТОЛМАСОВ

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР МАРДЛИГИ

*Ўтмиш ва бугунги кун воқеликлари ёвуз кимсаларнинг тезда тил топи-
шиб олганидан сўзлайди. Замон шиддати уларга басма-бас эзгу фикрли ки-
шиларнинг ҳам жипслашишини талаб қилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон
ва Қозоғистон махсус операция кучлари иштирокида ўтказилган қўшма
машғулотларни давр тақозосига муносиб жавоб дейиш мумкин.*





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/3708> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3708> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3708>